

Амру маъруф ва наҳйи мункар - менинг бурчим



07:10 / 04.09.2019 1531

Яҳё ибн Ямондан ривоят қилинади: «Суфён Саврий Бану Фазора тоғи олдида мени кўриб, «Қаердан келаётганимни биласанми?» деб сўрадилар. «Йўқ», дедим. У киши «Дори тайёрлайдиган жойга бориб, доричиларни зазий^[1] сотишдан қайтардим. Мен амру маъруф ва наҳйи мункарни ўзимга бурч деб биламан. Оғир аҳволда қолсам ҳам, уларнинг қилган ишини қилмайман», дедилар».

«Солиҳлар гулшани» китобидан

^[1] Зазий – маст қилувчи ичимлик олинадиган ўсимлик тури.